

---

## Аҳоли мурожаати ўрганилди

Телеграм ижтимоий тармоғи орқали Тахтақўприк маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулшан кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро томонидан ички кўчаларнинг носозлиги, ичимлик суви муаммоси ҳамда табиий газ билан таъминланмаганлик масаласида қилган мурожаатлари туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ иштирокида ўрганилди.

Ўрганиш давомида мазкур маҳалла фуқаролар йиғинидаги Гулшан ҳамда Тахтақўприк кўчаларининг 8 км ички йўллари Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида асфальтлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда мазкур кўчаларда шағаллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ичимлик суви билан боғлиқ муаммо мутахассислар томонидан ўрганилиб, мазкур кўчадаги ҳар бир ҳонадон ичимлик суви билан таъминланганлиги ва мавжуд сув насосининг носозлиги сабабли муаммо юзага келганлиги аниқланди. Тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда муаммо бартараф этилди.

Табиий газ билан боғлиқ мурожаатлари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, мазкур ҳудуд табиий газ етиб бориши қониқарсиз ҳудуд ҳисобланганлиги сабабли суюлтирилган газ балонлари билан таъминланганлиги аниқланди. Ҳудуддаги фуқароларга суюлтирилган газ балонларини белгиланган муддатларда алмаштириб берилаётганлиги тушунтирилди.

2023-02-09 13:06:32